

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил ноябрь ойининг 20 куни жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман суди суд биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья О.Аллаев, судья ёрдамчиси И.Маматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Каттакўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси С.Тухташов, судланувчи С.Худойбердиева ва унинг ҳимоячиси Тошкент шаҳар Яккасарой тумани “Идиал ҳимоя” адвокатлик фирмаси адвокати О.Омонов ҳамда жабрланувчи К.Эловаларнинг иштирокида, Худойбердиева Севинч Эгам қизига нисбатан бўлган № 1-1404-2501/231-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Худойбердиева Севинч Эгам қизи (Xudoyberdiyeva Sevinch Egam qizi), 2005 йил 13 апрель куни Шахрисабз туманида туғилган, тожик, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган ўрта, муқаддам судланмаган, оилали, бир нафар фарзанди бор, Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани, “Камолот” маҳалласи, Бобоариқ кўчаси 25-уйда яшайди, унга нисбатан “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 07 октябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, томонларнинг музокара сўзларини ва судланувчининг охириги сўзи тингланиб, қуйидагиларни,-

### А Н И Қ Л А Д И:

Худойбердиева Севинч Эгам қизи, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиб, моддий манфаат кўриш мақсадида, қариндоши қисми тугатилган шахс билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, 2025 йил 1 август куни соат 09:30да Каттакўрғон тумани “Дўстлик” маҳалласи “Адолат” кўчаси 22-уйда яшовчи фуқаро Элова Комила Пермаматовнани яшаш уйига тиланчилик қилиш мақсадида келиб, К.Эловага билан суҳбатлашиши давомида уни уйида сеҳр жоду қилинганлигини агарда ушбу сеҳрни йўқ қилмаса фарзандларидан бири вафот этиши ҳақида айтиб, сеҳр жодуни йўқ қилиб учун К.Эловадан умумий баҳоси 32.300.000 сўм бўлган 20 граммли тилла занжирини, 10 граммли бўлган тилла узугини ва 8 граммли тилла сирғани ҳовлисидаги томорқасига кўмиб қўйиб, 21 кун давомида тилла тақинчоқларни устига сув, гуруч ва тузни қўйиб туришини ҳақида айтиб, тилла тақинчоқларни ерга кўмиш жараёнида уларни ўрнига тошларни кўмиб қўйиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган тилла



тақинчоқларни бир қисмини сотиб пулларни ўзини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Худойбердиева Севинч Эгам қизи ўз кўрсатувида, содир этган айбига иқрорлик билдириб, 2025 йил 01 август куни Каттақўрғон туманига танишлари қайнотасини укасини турмуш ўртоғи Зебо (Сайёра) опа, уни қизи Рухшона қўшнисини Насиба опа билан биргаликда соч олгани келганлиги, у ва Сайёра опа улар бирга юрганлиги, Рухшона ва Насиба опа улар алоҳида юрганлиги, Каттақўрғон тумани “Дўстлик” маҳалласини айланиб юрган вақтида бир аёл кишини уйига кирганлиги. у ҳовлига кирганида Сайёра опа эса уни орқасидан кирганлиги, уй эгаларига соч оламиз сотиладиган соч борми деганлиги, улар соч йўқлигини айтди кейин уй эгаси ёши катта аёл киши эканлиги ва болалари узоқда эканлигини айтиб унга садақа берганлиги, у садақани олганлиги, у шу вақтда уни боласи касал эканлиги, унга дори дармонига пул керак бўлганлиги сабабли, уй эгасига гўёки уни оиласига катта бало келаётганлигини арзигулик бирор бир қимматбаҳо нарса берса у ушбу балони олиши ҳақида унга айтганлиги, кейин уй эгаси бир жуфт сирға, бир дона узук ва бир дона тилла занжирни олиб чиқиб берганлиги, кейин у уларга унга берган тилла тақинчоқни уй эгасини келини ерни қовлашини айтганлиги, сўнг ердаги ўрага унга берган тилла тақинчоқларни солгандек қилганлиги, лекиа ушбу тила тақинчоқларни ўзида олиб турганлиги, сўнг уларни олиб қолиб 21 кундан кейин ушбу тилла тақинчоқларни олиб қўясиз деганлиги, сўнг уйдан чиқиб кетганлиги, бу вақтда Сайёра опа уйдан чиқиб ташқарига уни кутиб турганлиги, Сайёра опага ушбу уйдан уй эгаларини алдаб тилла тақинчоқларни олганини айтмаганлиги, кейин ўғлини касаллигини учуги уни олиб Қашқадарёга кетганлиги, унга нотаниш бўлган аёл кейинчалик билишича Элова Комиладан олган тилла Занжирни унга нотаниш бўлган Шахрисабз бозордаги тилла сотувчи эркак кишига 14.000.000 сўмга сотганлиги, уни пулини боласи касал бўлганлиги сабабли унга дори дармон олиб берганлиги, шундан сўнг 2025 йил 29 сентябрь куни уйда бўлган вақтида отаси унга қўнғироқ қилиб Каттақўрғон туман ИИБ ходимлари деб таништирган шахслар келганлигини айтиб Каттақўрғонлик бир аёлни 1 дона узугини, 1 жуфт зирагини ва 1 дона тилла занжирини олганини сўраганлиги, шу куни у ўғлини шифохонада олиб кетганлиги сабабли ИИБ ходимларини олдига бора олмаганлиги, отасига 1 дона узук ва 1 жуфт зиракни бериб юборганлиги, Отаси ИИБ ходимларига фуқаро К.Эловага тегишли бўлган бир дона узук ва бир жуфт зиракни ўз ихтиёри билан беришганлиги, кейин отаси ИИБ ходимлари билан гаплашиб 2025 йил 29 сентябрь куни Каттақўрғон туман ИИБга келишини айтганлиги учун у борганлиги, ҳозирги вақтда жабрланувчи Элова Комила Пермаматовнага етказилган зарарларни тўлиқлигича қоплаб берганлиги, зарар тўлиқ қопланганлигини ва қилмишидан пушаймондалигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни сўраб баёнот берди.

Судланувчи Худойбердиева Севинч Эгам қизи ўз содир этган айбига иқрорлик билдириб баён қилган кўрсатувидан ташқари, унинг айби суд



мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчининг ва гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳамда иш хужжатларида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Элова Комила Пермаматовна ўз кўрсатувида, 2025 йил 01 август уйда келини Рахмонова Дилноза, набираси Хайруллаев Саидакбар ва Эргашев Абубақр билан биргаликда уйда ўтирганлиги, Соат 09:10ларда уйига лўли миллатига мансуб бўлган юзларидан оппоқроқ, озғин, юзи чўзинчоқ ўзини Мадина деб таништирган қиз тиланчилик қилиб келиб қолганлиги, ушбу аёл киши келинидан сув сўраганлиги, унга келини сув олиб чиқиб берганлиги, кейин гап бошлаб уйда қандайдир хид келаётганлигини, бу уйга дуо ўқилганлигини уни олмаса уйда ўлим бўлиши ҳақида айтганлиги, у дастлаб уни гапларига ишонмаганлиги, кейин у уни унга ишонмагани билиб, келинига таёқ билан уйини томорқасини кўрсатиб шу ерни ковлаб кўринглар айнан шу ерда ўқитилган нарсалар ва кўғирчоқ турибди деганлиги, кейин келини томорқани тахминан бир-икки марта ер майдонини ковлаганида катталиги 15-20 см келадиган мато чиққанлиги, уни ичида шифр синиғи, тасбеҳ қулф, матодан қилинган кўғирчоқ чиққанлиги, мана шу нарсалар сабабли бу уйда яқида ўлим бўлади агар уни қаратмасанглар хонадондан кимнидир ўлими бўлади деганлиги, у бу иш бўлмаслиги учун у нима қилсам бўлди деганида у унга агарда унга бирор бир қимматбаҳо нарса берсангиз бу сеҳрни қайтарма қилиб бераман деганлиги, шу вақтда у қўлида бўлган 8 грамм келадиган сирғани берганлиги, аёл киши уни олиб бу камлигини айтганидан кейин Абубақр набирасига уйдан узугини олиб чиқишини айтганлиги, набираси узукни олиб чиққанидан кейин яна камлиги айтгандан сўнг бўйнида бўлган 20 грамм тилла занжирини олиб чиқиб берганлиги, сўнг у унга берган тилла тақинчоқларни келини ковлаган ерга кўмишини ва шу ерда қандайдир дуо ўкиб қўйишини, 21 кундан кейин уни очиб олишини, унга қадар агарда буни ким ковлайдиган бўлса уни қўллари оқариб қолишини айтганлигини ва у берган тилла тақинчоқларни олиб ерга ковлаб ўзи чиқиб кетганлиги, кўчага чиқаётган вақтида унга кўчадан 101 дона тош териб уйга олиб келишлиги, келинига эса уйдан 101 дона гуручни териб уни тилла тақинчоқлар кўмилган жойга ташлаб қўйишини айтганлиги, ўзи уйдан кўча томонга чиқиб кетганлиги, уйга кирганидан кейин келинига лўли қиз тилла тақинчоқларни кўмиб қўйган жойни ковланг қани дедганлиги, кейин келини тилла тақинчоқлар кўмилган жойни ковлаганида мато ичида синган шифр бўлаги турганлигини кўрганлиги, тилла тақинчоқлар эса йўқ эканлиги, шу вақтда лўли уларни алдаб тилла тақинчоқларни олиб қўйганлиги, ҳозирда унинг судланувчи С.Худойбердиевага нисбатан қонуний даъвоси борлиги, унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги ҳақида баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Боймирзаев Эгам Худойбердинвич ўз кўргазмасида, Худойбердиева Севинч уни қизи бўлишлиги, Каттакўрғон туман ИИБ қизи Худойбердиева Севинчни қидириб юрганлигини эшитиб Каттакўрғон туман ИИБ ходимларига учрашганлиги, сўнг улар унга қизи



Каттақўрғон тумани “Дустлик” маҳалласида яшовчи фуқаро Элова Комилани алдаб гўёки ундан уйда сеҳр-жоду қилинган деб айтиб уни 1 дона тилла узугини, 1 жуфт тилла зирақларини ва 1 дона тилла занжирни алдаб олиб кетганлигини айтишганлиги. сўнг у қизи билан гаплашган вақтида ҳақиқатдан ҳам шу ишни қилганлигини айтганлиги, сўнг у қизини олдиға бориб ундан тилла тақинчоқларни сўраганида набираси касал бўлганлиги сабабли тилла занжирни сотганлигини қолган 1 дона тилла узун ва 1 жуфт тилла зирақлар ҳозирда ўзи эканлигини айтганлигини ва унга берганлиги, тилла занжирни кимга сотганлигини сўраганида бозорда ўзи танимайдиган бир тилла олиб сотувчи шахсга 14.000.000 сўмга сотганлигини маълум қилганлиги, сўнг у уларни ИИБ ходимлари тақдим қилганлиги ҳақида баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Собирова Зебо Рўзибоевна ўз кўргазмасида, 2025 йил 01 август куни Каттақўрғон тумани “Дўстлик” маҳалласидаги уйларни айланиб соч олгани юрган вақтида Севинч бир уйга кирганлиги, орадан бироз вақт ўтгандан кейин у ҳам ушбу уйга кирганлиги, ҳовлида Севинч бир уй эгаси бўлган ёши каттароқ аёл киши билан гаплашиб турганлиги, уни ёнида келини ҳам борлигини кўрганлиги, у ҳам ушбу уйга кирганида уй эгаси бўлган аёл киши унга сув ичиб олишини айтганлиги, кейин у ҳовлида бўлган чорпоёга ўтириб шу ерда чой ичиб ўтирганлиги, Севинч эса уй эгаси бўлган ёши каттароқ бўлган аёл унга нотанишлиги, кейинчалик билишича Элова Комила билан биргаликда гаплашиб турганлиги, улар билан уни оралиғидаги масофа анча узоқ эканлиги, улар бироз гаплашиб бўлиб, Севинч уларга ерни ковлатганлиги, кейин эса уларга ниманидир қўйишганлиги, сўнг у ташқарига чиқганлиги, уни орқасидан эса Севинч ҳам чиқганлиги, кейин унга ушбу уйдан холани тилла тақинчоқларни олганлигини айтганлиги, у унга бу ишни бекор қилибсан деганлиги, кейин Севинчга қўнғироқ бўлганлиги, уни боласини соғлиғи ёмонлигини айтганлиги, сўнг улар биргаликда кетганлиги, Севинч олган тилла тақинчоқлардан унга бермаганлиги у ҳам ундан бу ҳақида сўрамаганлиги, шундан сўнг Каттақўрғон туман ИИБ ходимлари уларни қидириб топганлиги, сўнг Севинчни отаси бир жуфт тилла зирақ ва узукни берганлигини билганлиги ҳақида баёнот берди.

Бундан ташқари, судланувчи Худойбердиева Севинч Эгам қизининг айби ишда тўпланган ҳужжатлар, яъни жабрланувчининг ИИБнинг 102-рақамига юборган аризаси, пул ўтказмалари акс этган ҳужжатлар, ёзишмалар тушурилган фотосуратлар, далилий ашёни олиш баённомаси, тилхат, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда бошқа инкор этиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топди.

Суд, судланувчи Худойбердиева Севинч Эгам қизига тергов органи томонидан қўйилган айбини муҳокама қилиб, унинг бир гуруҳ бўлишиб, ўзгалар ишончини суистемол қилиш йули билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Суд, судланувчи Худойбердиева Севинч Эгам қизининг жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, унинг содир этган айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, моддий зарар қопланганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида белгиланган жазони енгиллаштирувчи, унинг жиноятни ғараз ниятларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан қонунда белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Худойбердиева Севинч Эгам қизига жазо тури ва миқдорини белгилашда, уни содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноятни ғараз ниятларда содир этганлигини, жабрланувчининг қонуний даъвоси борлигини инобатга олиш билан биргаликда, унинг содир этган айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, жиноят содир этгандан сўнгги хулқ-атворини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошисидаги “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чорлари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган талабини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасидаги “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак” лиги борасидаги нормаларга ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 15-бандидаги “Судларга жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан, агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса, кенгроқ қўллаш тавсия этилсин” деган ҳамда 16-бандидаги “Жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозим. Бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва ҳ.к.лар инобатга олиниши лозим” деган раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, моддий аҳволини, моддий зарар миқдорини инобатга олган ҳолда, бу ҳолатлар у томонидан содир этган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилгандан ҳам камроқ жарима жазосини тайинлашни ҳамда унга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Суд, жиноят иши бўйича моддий зарарни қоплаш мақсадида Худойбердиева Севинч Эгам қизи томонидан Самарқанд вилоят ИИБнинг



депозит ҳисоб рақамига топширилган 14.000.000 сўм пулларни жабрланувчи Элова Комила Пермаметовага қайтаришни лозим топди.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона аёллар узиги ва бир жуфт сирға жабрланувчи К.Эловага топширилганлиги инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471 ва 473-моддаларига амал қилиб, суд,

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Худойбердиева Севинч Эгам қизи (Xudoyberdiyeva Sevinch Egam qizi), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин.

Худойбердиева Севинч Эгам қизига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш микдорининг 50 (эллик) баравари микдорида, яъни 20.600.000 (йигирма миллион олти юз минг) сўм жарима жазоси белгилансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, Худойбердиева Севинч Эгам қизига нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят иши бўйича моддий зарарни қоплаш мақсадида Худойбердиева Севинч Эгам қизи томонидан Самарқанд вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига топширилган 14.000.000 (ўн тўрт миллион) сўм пуллар жабрланувчи Элова Комила Пермаметовага қайтарилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчига ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида ёхуд ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация тартибида шикоят ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья:

(имзо)

О.Аллаев

“Нусхаси аслига тўғри:”

Жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг раиси:

О.Аллаев

